

“Uzsungwoo” МЧЖ ҚК

Бош директори

Ш.И.Моминжонов

“10” январь 2025 йил

**“Uzsungwoo” МЧЖ ҚК Комплаенс хизмати томонидан 2024 йилнинг
12 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг
вакиллари мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича**

ЙИЛЛИК ХИСОБОТ

10.01.2025 йил

Фарғона шаҳар

“Uzsungwoo” МЧЖ ҚК томонидан жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, уларнинг вакиллари мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, қонун доирасида ижобий ҳал қилиш, аҳолининг тизимдан розилигини ошириш алоҳида муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Шу жумладан, жамиятнинг Комплаенс хизматига келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этиб келинмоқда.

Жамиятда мурожаатларни кўриб чиқишда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг 28.12.2016 йилги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2018 йилги 341-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат ташкилотларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом ва бошқа қонун-ҳужжатлари талабларига риоя этилмоқда.

Соҳада ишларни самарали ташкил этиш ва ходимларнинг бу борадаги масъулиятини янада ошириш мақсадида, мурожаатларни кўриб чиқиб, ҳал этишга оид муносабатларни тартибга солувчи “Ўзавтосаноат” АЖда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинган.

Бундан ташқари, “Алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида “Uzsungwoo” МЧЖ ҚКга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти қабул қилиниб, жамиятдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлаш тартибини белгилайди.

Жамиятда 2024 йилнинг 12 оyi давомида жами **181 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ушбу мурожаатлар тегишлилигига кўра, корхона бўлимларига чиқарилиб назоратга олинган.

Мазкур мурожаатларнинг **2 таси** Президент Халқ қабулхонасидан юборилган ва **179 таси** электрон почта орқали келиб тушган.

Жамият томонидан ташкил этилган алоқа каналлари, хусусан “Facebook”, “Telegramm” ижтимоий тармоқлари, ишонч телефони ва расмий веб сайти орқали мурожаатлар келиб тушмаган.

Кўриб чиқилган мурожаатлар мазмуни таҳлил қилинганда, мурожаатларнинг **142 таси** ишга жойлашиш бўйича ва **37 таси** бошқа масалалар (*тижорат таклифлари ва х.к.*) ҳақида бўлган.

Шу билан бирга, жамият ходимларида коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни янада кучайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш чоралари кўриб борилмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида, жамият ходимлари томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

Комплаенс хизмати бошлиғи



Т.Қ.Абдуғопиров